





# ОНА ТУПРОҚ КУЙЧИСИ

«Узбекистон тунг каби хумор...»  
Бақор каби доғлар дийр ҳақидаги қўшиқдан бу. Дилрабо куй ўз қанотида олади сизни, сирли ва нурли оламга бошлайди. Сизга яхши таниш бу олам. Бироқ, қўшиқ қанотида унинг янги, ноёб, жозибали қирраларида кашф этиб, «дала-даштин қоплаб ётган гул» тупроқни дафъатан кучиб олганига келиди.

Она тупроқ!  
Шоир ўзини ана шундай тасаввур этолмайди. Унинг қувончи-бахти ҳам шу. Ташвиши-дарди ҳам—шу.


Бу тупроқда оҳиста қадам босади у. Муқаддас масъулият билан қадам босади. Боблар хокини заррача камситишни жийоат деб баҳолайди. Ватанин бундай секин, бундай қадрлаш учун, уни улкан ҳисоб билан Садоқат тарозусида улчамоқ учун катта юрак керак.

Туроб Тула—ана шундай юрак эгаси. У ҳамisha бетиним, ҳамisha йўлда. Ташвиш кетидан, машаққат изидан қувади бу юрак. Вақтга, умрга баҳо беришда унинг ўз фалсафаси бор. Бу фалсафа фақат ёшликни, жўшқинликни тан олади. Умрнинг дебоячасининга, фаслининг баҳоринингига тан олади.

Шоир умрнинг ярим асри ҳам ана шундай тасдиқлаб тургандай гўё. Унинг ҳислар тугени гирдобда қолган жўшқин юрагига инит ёшидаги ҳар бир шоир ҳам ҳавас қилса аранайди.

Туроб Тула—кўп қирралли адиб. Унинг муҳлисларини нафосат гулшанининг ҳар бир кўчасида учратиб мумкин. Кино: «Мафуннингман», «Фуркат»... Театр: «Қари қиз», «Момо ер», «Қиз бўлоқ», «Зулматдан энё». Ўзлаб жозибали қўшиқлар, музикали ҳикоя ва достонлар... Нафосат мазолидаги адиб сўхбатлар... Отанинафас, жанговар публицистика!

Туроб Тула санъаткор ва бастакорларнинг, соҳилдои навошандаларнинг катта дўсти, жонкуяри. Шунинг учун бўлса керак, унинг кўрагини «Ўзбекистон ССР да хизмат кўр



сатган санъат арбоби» faxрий нишонини бе-заб турибди.

Туроб Тула—Момо Еримиз, она тупроғини куйчи. Унинг ҳатто номи ҳам маъмурий тибора билан ана шу муқаддас сўзга ҳамоҳандир.

Шоирнинг эллик ёшнинг муборакбод этар эканини, унга қўшиқни ўлка бахт-саодати йўлида улкан ижодий парвоз тилаймиз.

Қўшиқ ШИНАВАНДАЛАРИГА		Сеп ёилмиш	Туроб ТУЛА
Кун ёилди далага.	Жаранглайди	Худди қўшиқ	Сеп ёилмиш
Шабнам ювди	бамисол—	мисоли.	боғларга.
Гўзани.	Худди жонин пиёла.	Очилади гўзалар.	Хаммаёқ оппоқ—
Бир ажиб ашулага.	Титраб қолади	Мисоли ёр висоли	оппоқ.
Тегинар кўз	ниҳол.	Зафти билан кўз	Мисоли қулоқларда.
хазони...	Унга оғиб қаели.	олар.	Дурдан олтиндан
			балдоқ.

АТИРГУЛНИНГ ТИКНИ		Қўлингни бер
Атиргулнинг тикани,	Қўлингни бер	жонгинам,
Қўларингни	Ўргилайин	қўлингдан!
тилипти.	Тилсин меннинг	қўлимни,
Боғлаб қўйсам,	қўлингдан!	қўлимни,
жонгинам,	Қўлинг тилинганга,	қўлимни,
Нима қилипти.	Куйма асти,	жонгинам!
	Юрагинг тилин-	Хаммасидан ҳам!
	масин.	
	жонгинам!	Бергил тулингдан.

## МЕТАЛЛГА КУМУШ ЮГУРТИРИШ

**КИШИНЕВ.** Молдавия Фанлар академияси парашли аналитик физика институтининг тажриба лабораториясида илмий деталларнинг юзига кумуш югуртиришга мўлжалланган электр учқун установакиси — «ЭФИ-50» ишлаб чиқарилди. Кумуш югуртириш процесси кумушдан қилинган ва айланган турбулент диск воситасида бажарилади.

## ОБЪЕКТИВДА ТЕЛЕЭКРАН

Ленинград. Ленинграддаги алоқа электротехника институтини битириб чиққан А. Урусов ясаган электрон установка телевизор экранда фотопортраж олишни автоматлашган процессга айлантди. Фотодиод билан таъминланган илчачи кўшиччи мослаш телевизорнинг электрон нурли трубкасини фотопортражнинг затвори билан бирлаштиради. Асбоб ёриқлик, диафрагма билан объектив кўзини кантича мудат очиб кераклигини ўзи белгилайди.

## Саломатлик билимлари мактаби

Шахримиздаги клуб, маданият уйлари, маҳаллалар қошида мунтазам ишлаб турган халқ саломатлик билимлари университетлари аҳоли соғлигини муҳофаза қилиш йўлида кўпгина ибратли тадбирларни амалга оширмоқдалар. Яқинда ана шундай мактаблар сони яна биттага қўлайди.

Куйбишев район «Билим» жамияти район соғлиқни сақлаш бўлими, санитария маорифи уйи, 13-поликленика ҳамда «Гўлшан» маданият ва истироҳат боғи коллективлари билан ҳамкорликда ота-оналар учун саломатлик билимлари мактаби очди. Маъмулотлар ҳар ойда икки марта, яъни ҳафтаининг сешанба ва пайшанба кунлари боғининг ўқув залида ўтказилади.

Мактаб программасига кўра, тажрибали врач-лекторлардан В. И. Гусева, Т. А. Солдатова, М. М. Лабунская, М. С. Аарова, Р. М. Намченко, О. А. Лоханская, Б. М. Солотаревалар «Узоқ умр кўриш проблемаси ва қаришга қарши кураш», «Қўз касалликлари», «Тишингизни эхтиёт қилинг», «Қон босими ва унинг олдини олиш», «Бу тўғрида ҳар ким билиши шарт» каби қизиқарли мавзуларда лекциялар бўлиши мўлжалланмоқда.

## ТАЪЗИМ

Сехрли қўшиқларимиз кимнинг қалбини ром этмаган дейсиз? Уни икки этган санъаткорнинг шуҳрати эса тилларда дoston бўлади. Чиндан ҳам яхши қўшиқни истезодли ижроқисиз тасаввур қилиш қийин. Чинакам санъаткор қўшиқда қанот боғлайди, унинг умрини боқиб қилади, яхши инсоний фаизларга ва намуналиги билан эл меҳрини қозонади.

Биз Муқимий номили ўзбек Давлат музикали театрининг янахоҳи қўшиқчиси Жўраҳон Раҳимов икки этган «Қўшиқ шайдолари», «Фасли баҳор», «Гулзор ичиди», «Кўрганмисиз» каби ўзлаб лирик қўшиқларни қайта-қайта завқланиб тинлаганмиз.

Жўраҳон «Суворо», «Тошкент проғи», «Тун оқшом» сингайи қатор ўзбек классик ашуларини ҳам мароқ билан айтиб, тингловчиларга манзур қила олади.

Хозир Ж. Раҳимов янги-янги қўшиқлар ўзини икки билан ёлмоқда. Бу соҳада унга Муқимий номили театрининг ижодий коллектив, меҳрибон устозлари яқиндан ёрдам бераётди. Жўраҳон, қўлини қўсига қўшиб, ҳамisha қўшиқ шайдоларига хизматда, ҳамisha таъзимда.

У. ЮСУПОВ.  
СУРАТДА: Ж. Раҳимов.  
Ю. Бутусов фотоси.



## ЗАВОДГА МУКОФОТ

ВАРШАВА. Келечдаги «Дўстлик» цемент заводи коллективига Польша Халқ Республикаси министрилар совети ва Польша насаба союзларини марказий советининг кўчма Қизил байроғи топширилди. Коллектив В. И. Ленин туғилган куннинг 100 йиллигига ва фашистлар Германияси устидан қозонилган галабининг 25 йилли-



ГДР. Республикада ватанин ва оқсил моддаларига бой дон ва озик-овқат махсулотларининг тез ўзлаштириладиган янги навлари ишлаб чиқилди. Бунда Постдам иқлимдаги Рэбрюкке донин қайта ишлаш институти ходимларининг ҳиссаси катта. Хозирги замон ишлаб чиқариш технологияси ҳам шу ерда тайёрланади. Институт жаҳондаги йигирма беш мамлакатнинг ўзига хос илмий-тадқиқот муассасалари билан доимий алоқада.

СУРАТДА: институт ходимлари ун ва иррама сифатини белгилашмоқда.

АТН—ТАСС фотоси.

## НАТО ВАКИЛИ БОННДА

БОНН. ТАСС мухбири В. Виноградов хабар беради: НАТО бosh секретари Брозно Бирдагина Боннга келиб қолди. У бир кун ичиди Германия Федератив Республикасининг канцлери Брандт билан, мудофаа министри Шмидт билан ва бошқа сиёсий арбоблар билан учрашиб, суҳбатлашди.

НАТОнинг ҳарбий имкониятини янада кўпайтириш масалаларига шу суҳбатларда асосий эътибор берилди. «Дельта» газетасининг ёшига қараганда, Брозно Брандт билан НАТОнинг етмиштинчи йилларга мўлжалланган ҳарбий-стратегия планларини ишлаб чиқиш масаласини муҳокама қилган. Бонн канцлери, Германия Федератив Республикасининг ҳукумати Шмидтнинг Атлантик пактининг фаолиятига бундан буюн ҳам «Зарур ҳисса қўшишга тайёр» деган.

«Зодийега пайтун» газетасининг хабар беришига қараганда Брозно Германия Федератив Республикасининг мудофаа министри Шмидт «Америка қўшинларининг марказий Европада бўлиши масалаларини» муҳокама қилган. Суҳбатдошлар Фарбий Европа мамлакатлари мудофаа министрларининг сентябрда ўтказмоқчи бўлган учрашувини тайёрлашга «асосий эътибор» берганлар.

(ТАСС).



Пилконтондаги [Ланкашир графлиги, Англия] ишла заводининг ишчилари забастовкаси бир неча ҳафта давом этди. Тўққуз минг иккига яқин забастовка қатнашчилари, то уларнинг иш ҳақини ошириш ва меҳнат шартининг яхшилаш тўғрисидаги талаблари қондирилмагунча, ишга чиқмасликка қарор қилди.

Заводга полиция отрядлари қақирлиб, улар забастовкачиларини қийнашди.

СУРАТДА: ишчилар устидан Полиция аэроблар.

ЮПИ—ТАСС фотоси.

## АГРЕССОРЛАР ТАЛАФОТ КЎРМОҚДА

ДАМАШҚ. Исроил агрессорлари ана Суриянинг бир қанча ҳарбий объектларини бомбардирон қилдирилди. Унинг 2 таси лар, Сурия Араб Республикаси ҳарбий қўмондонлиги вақилнинг айтишига қараганда, моҳаллий вақт кечиди соат 9 дан 30 минут ўтганда Исроил авиацияси Суриянинг осмонига бостириб кириб Сурия қўшинларининг Дамашқ шаҳридан жануброқда жойлашган позицияларини бомбардирон қилди.

(ТАСС).

## Халқаро шарҳловчи минбари

Хозирги вақтда ўта ўнг ташкилотларнинг ташкилотининг қалла-кесарлари, ҳар бир олдний америкалик орпарларни тарғиб қилган ҳар қандай қабилликларини қилишга: яна террордан тортиб, оммавий қирғингача, олдний меҳнатшандан бошлаб президентини ўлдиритгача қодирлар.

Бу ташкилотлар фаолияти учун ҳар йили 30 миллион доллар сарфлайди. Унинг 600 та радиостанция-

## Қотиллар ёлланмоқда

ЛОНДОН. Бифра ва Конгодаги (Киншаса) ҳарбий операцияларда қатнашган қотилларни хозир Камбоджадаги қотиллар солдатликка ёлланмоқдалар. Англиядаги «Гардиан» газетасида бонднинг хабарда айтилишига кўра, кейинги икки ой ичиди ёлланган мана шундай қотиллардан 50 мингга яқини Пномпенга юборилди. Елланган қотиллар Европадаги тур тарихисиди Гонконгга келиб, у ердан Пномпенга жўнатилгангани тўғрисида Гринкондаги «Стар» газетасида босилган хабарининг кўра, ҳар 37 минутда бир икки ўлдирилмоқда, ҳар 16 минутда бир аёл таҳрирланмоқда, ҳар 2 минутда бирор жой ўзгирланади, ҳар 1,5 минутда кимгадир қуролли ҳужум қилинади. Ана шундай жиноятчилар томонидан кейинги юз йил ичиди 750 минг киши ўлдирилган.

## АМЕРИКАДАГИ ҚОРА ШАРПАЛАР

Уни ўн битта йиринк капиталист яширин ҳолда маблаг билан таъминлаб турмоқда. Унинг юз мингга яқин азёсо бўлиб, хозирда тўрт юз мингга етказиш учун курашмоқдалар. Кейинги йилларда бу ташкилотта ҳам жалб қилинмоқда, фақат Лос-Анжелос шаҳридаги жамият рўйхатида 2000 га яқин полициячи номини ўқиш мумкин.

Бундан ташқари АҚШда юз йилдан кўп вақтдан берги ирчиликнинг махфий террористик ташкилот ку-ялук-клан ҳаракат қилмоқда. Бу ташкилотлар асосан мамлакатнинг жанубий штатларида жойлашганлар. Ку-ялук-кланлар асосан қора танли ва оқ танли таррақийпарвар ишчиларини жаман йўқ қилмоқдалар.

Ф. ИСМОНЛОВ.

## ИРҚЧИЛАР ҚОНУНИ

НЬО-ИОРК. АҚШ жанубидаги Луизиана штатининг ирқчилар уларининг йиртиқликларини яна бир марта аён қилдирилди. Шу штатдаги қонун чиқарувчи мажлисининг вакиллар палатаси доир негрлардан олинган қон оқ танли америкаликларга қўйиш учун аросиз, дейилган ва 1968 йилда қабул этилган қонунни бекор қилиш тўғрисидаги қонун лойиҳасини рад этди. Бу қонун лойиҳасини вакиллар палатасининг бирдан бир негр азёсо бўлган Эрнст Морнал тақлиф қилган эди.

Бироқ палата азёзоларининг қўйишнинг ташкил этган ирчилик қонун лойиҳасини рад қилдирилди. Мана шу «қонун чиқарувчилардан бири бўлган Арчи Дэвис қонун лойиҳасига қарши гапирди, башарти меннинг олам бир томчи бўлса ҳам негр қонини олдидан бўлса ондинининг бундан кўра ўлгани яхшироқ, деди.

Яқиндагина мана шу Луизиана штатининг вакиллар палатаси «Танасида ўттиз икки қисмининг бирдан эбдирок негр қони бўлган америкалик оқ танли деб ҳисобланиши мумкин эмас» деган қарор қабул қилган эди. (ТАСС).

## ПЕНТАГОННИНГ «ТАШВИШЛАРИ»

ВАШИНГТОН. Хозирги вақтда Япониядаги Окинава оролида сақланган 13 минг тонна захарловчи моддаларнинг қобқча элтуб қўйиш масаласини Пентагоннинг махусе комиссияси кўриб чиқмоқда. Маълумки, АҚШ ҳукумати ўзининг ҳарбий базаси тарихисиди фойдаланган шундай захарловчи моддаларининг ҳаммасини дарҳол оқиб кетиши япон мамоқотлиги талаб қилган эди. Пентагон вакилининг айтишига қараганда, ҳарбий маҳкума комиссияси «Окинава газини» сақлаш учун мўлжаллаб қўйилган жойлар орасида Гуам ороли, Тинч океандаги Уэан атоласини, шунингдек Кадьяк оролини (Аляска) ҳарбий ҳаво базасини кўрсатмоқда.

АП агентлигининг хабарига қараганда, яқинда президент Никсон захарли моддаларини Орегон штатига жойлаш тўғрисида Пентагон тақлиф қилган планлардан воз кечिशга мажбур бўлди, чунини бу қарорга фақат шу штатнинг ўзидангина эмас, АҚШ конгрессига ҳам кенг миқёсда норозилик билдирилган бўлур эди. АП агентлигининг хабарига қараганда, Аляска штатининг жамоатчилиги ҳам химия қуролни сақловчи захарли тарихисиди Кадьяк оролидан фойдаланишга норозилик билдирилмоқда. (ТАСС).

## ЯНГИ ЖУРНАЛ

ПАРИЖ. Франция Совет савдо палатаси «Савдо ва ҳамкорлик» журналини чиқара бошлади. Журналнинг биринчи сони эътиборга босилиб чиқди. Журнал ҳар икки мамлакат ўртасидаги иқтисодий муносабатларни ривожлантиришга ба-

билан бошланади. В. Жискар Д'Эстен ўз таъриқномасида Франция билан СССР ўртасидаги савдо-сотиқ ва иқтисодий муносабатлар юксак даражада бўлиб, ҳар иккала мамлакатнинг манфаатларига хизмат қилаётганини таъкидлайди.

(ТАСС).

## ШИДДАТЛИ ЖАНГЛАР

ДАМАШҚ. Сурия—Исроил фронтда шиддатли жанглар қизиб кетди. Сурия Араб Республикаси қуролли кучлари қўмондонлиги вакилининг баён-

ракатларида Исроил қўшинларининг танк қисмлари қатнашмоқда.

(ТАСС).



БХР. Варнадаги Қора денгиз соҳилига жойлашган «Олтин кум» пуроти.

**ЯХШИ**  
ФАЗИЛАТЛИ  
КИШИЛАРИМИЗ

Парда очилиб хонага нур ёғилди.  
— Ёз уюқуси босиб қолдим! — рафиқасининг майин овози хона сукуватини бузди, — тураюл.

У офтоб нуридан кўзини кичиб, елкасига тейжан иссиқ қўлини ушлади-да, ирғиб турди...

Ольга ҳар вақтдадек тухунуд эди, балкиб турарди! Унинг ҳали-ҳали шўх қанчаб турган кўзлари, сутга чайиб олингандек юзлари ҳамон ўша кизлик чоғларидеги беғубор эди. Ольга бу-гун ҳам эрта турган, одатдагидеки бирга ишонага бориб ишатида уйғонган эди.

— Эрта турибсанми, азизим! — деди Раҳим, кўлимсираб.  
— Мега энди эрта дейсан, соатга қара. Янги топшириқ дарров эсингдан чиқдим!

Раҳим ювиниб келгунча — Ольга дастурхон эзиб, нонушта ҳозирлаб қўйди.  
Ольга сирдан шод кўринса ҳам ҳозир юзи симиққандай, аллақандай нарса соя ташлаб турарди, сабаби маълум. Раҳим ўзи эмас, олган янги топшириқни ушайлаётганми! Ахир, унинг бир ўзи бешта станокни бошқаришга аҳд қилганми!

Авалларни уйқудан текти турарди, энди бўлса чарчаб қолгани сезиларди, уйку ширинлик қиларди. Кеча бу ҳақда ағиз очгани йўқ. Ҳозир сиктириб Айтмаси, жонин ачсиа.

**МУШТАРАК КҮНГИЛЛАР**

(ОЧЕРК)

— Раҳим, — эрга қараб оқшга сўзлади у, — ўйлаб қилсанми шунини! Қийналиб қолмасансан!

У эмдан рафиқасига назар ташлаб, бу гапни пишитиб юрганнинг англади. Англади, аммо сир бой бермай томоқ қириб:

— Қайдам, — деди, — ўйлабман.

— Рафиқаси билан кран олдида шўғина кўз кичиб хайрлашди-да, [Ольга кранчи бўлиб ишлайди] ўзи биринчи механикка чегма ошқинди. Ёшлик хотиралари қалбнинг аллақандай илк ва ёрқин ҳисларга чулғаб юборди...

Евр зум Ашхобода, у ерда ўтказган кизмат иллари жонланди. Ёшгина Ольга у пайтлар тўқув фабрикасида ишларди. 1954 йил эди чоғи. Икки ёшнинг юрак уришига бутун олам қулоқ солаётгандай, бу поёнис олам фанат муҳаббат нурин билан порлаётгандай туюларди.

Ҳар кунги учрашувлар, кизнинг ёниб турган чекраси, тумор кўзлари, кўндалиб юришлари шундоққона хабл кўзгусиди... Ольга шаддоқ киз эди. Унинг биргина жезибали қарашидоққона юрагида ҳар гап нимадан ўзи ёниб катарди. Ҳар бири кийимини қайта-қайта тозаллаб фабрика дарвозасида нитизор куттиларди...

Ийлар ўтса ҳамки, ўша оловли дамлар ҳамон унинг кўнглига ёлқин сочади. Кишига бир мартагина берилдиган ўша олов ёшлик аргу-моқдай қайга олиб кетди!

Раҳим чегма кираркан, станоклар овозига, ишчиларнинг бир-бирлари аллақандай деб қичқирларига қулоқ солса ҳам, бу овозларини эшитмасди. Унинг фикри-хабл-ли Ольгада эди. Рафиқасининг сиймоси негандир кўз олдидан сира кетмасди...

— Маъмуриятнинг бажаришга дарров киришибсанлар-да, оббо, азаматлар-ей, — деб кузоқ кўзлари кўлимсираб кичиб келди йиғув цехининг бошлиғи Михаил Кулагин. — Шундай қил, марра қачонга!

— Узоғи билан йиғирма етти— йигирма саккизинчига бажарамиз.

— Бизларни шойшир-б қўймасанми, дейман-да.

— Бўлмасачи! Ҳозирдан ҳаракатингизни қил қилинг! — деди кўлимсираб Раҳим.

Одатда, йиғув цехига зарур барча деталлар Раҳим Йўлдошев меҳнат қилаётган биринчи механикка чегмага тайёрланади. Шу бонсдан, йиғув цехининг муваффақиятини кўп инжикдан уларнинг таърифига боғлиқ. Бунинг Раҳим ва у бошлиқ бригадга аъзолари ахши билдиларди. Оддигина кранчининг ишичи! У ҳам ўз ўрнида, жуда керакли қасбда! Ахир, Ольга янги ишга кирган кунлари ҳам бунинг тоза тайинларди-ю. Бора-бора асли чевар бўлган Ольга бу ишга ҳам меҳр қўйди. Хотин кишига ҳам қирқ хунар ози!

Раҳим эса тугашга бешта токарлик ва фрезерлик станокларини и

бир ўзи бошқариб турди. Демак, у беш ишчининг меҳнатини бир ўзи бажаришда эди. Станоклар феълсини ахши билгани учун ҳам қийналмай, равои ишлар, қўлдан чиқайсан деталлар гўё моҳир ҳайкалтарош тайёрлагандай ҳамма бошқаларда замиқ уйлотарди. Унинг бу ташаббуси фақат чегмагина эмас, бутун экскаватор заводи коллективни ўртасида ҳам шов-шувга сабаб бўлди.

У бригаданинг ҳар бир аъзосини бешқўлдай билди. Қайси ишчи қай бир детални ахшироқ тайёрлашни ҳам кузатиб юради. Халигача унинг бригадаси бирон детални нобоп тайёрлаб доқон эшитган эмас.

Туш чоғида рўпарадаги яшил барглр орасида ишчилар тўп-тўп бўлиб гурунгулдоққона эди. Бирдан дарахлар қаттиқ силқиниб, ҳовли сирли ҳамда ваҳимали шитирлаш овозига тўлдди.

— Эсингдами, тўй кунимиз худди шунанга галати шомол турган эди, — деди Ольга.

— Ҳа, — деди йиғит эрилаган оҳангда, — эсимда. Ҳаммаси эсимда, Ольга, билсанми, ҳозир нимани ўйлаяман!

— Нимани!  
— Айтайин! Бу бахт, бу кувонч бизга қайдан қулиб бокди, деб ўйлаяман! Ахир, ким билди, дейсан. Уша вақтда... ҳар бири хизматга бормасам... сени учратмаганимда ҳаммидай...

— Қўйсанг-чи, қўй... қандай ахши-да, ҳозир бир қўйиб берсайди!

Чиндан ҳам, парча-парча кулранг булутлар бирлашиб шундоққона уларнинг тепасидан сузиб ўтарди. Ана, момоқалдироқ ҳам гўмбурлади.

Шу пайт Ольга дарахт панасида:  
— Смана тугагунча, хайр! — деди ва қўл сиккиганча чегма йўл олди.

Бу онланинг бошқа минглаб онлардан ани фарқи йўқдай туюлади, кишига. Дарҳақиқат, бахтли онларнинг ҳаммаси бир-бирига ўхшайди деган-ку, бир донишманд. Уларнинг ишлари, орзу-уйлари муштараклиги бу ишчи оиласининг бахти эмасми! Уларнинг турмуши чиндан ҳавас қилса арзийдиган. Иккови бир-бирига узунка кўз қўйгандай ярашиб тушган. Кўнличидан бирга қайтишарди, гоҳо илк муҳаббатлари ни эслашарди, гоҳо хайр-пори келажакнинг сирли кучоғига талпинарди.

Улар корхонадан чиққанда, кўш уфқ лабини бўяётган, само бундан гўё уялаётгандай кизариб кетган эди. Еғду юксак-юксаклардаги булутлар юзини ҳам полларанг қилган. Бахтиёр кўнгишлар мусаффо ҳавода тўйиб-тўйиб нафас олди. Троллейбек бекати томон ошқинишди.

Улар шу йўлдан неча бор ўтганларини эслашиб, ёш ошқинлардаги мамулигига қулиб қўйишди.

Ҳамид ИКРОМОВ.

**РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР**

**ТЕАТР**

ҲАМЗА НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИДА—30/VI да— Олтин девор.

МУҚИМНИНГ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ МУЗИКАЛИ ТЕАТРИДА — I/VI да — Паранки сирлари.

**Кино**

30 июнда  
ҚИШКИ БИНОДА

Яшасини севги — САНЪАТ САРОНИ, НАВОНИ номли, «СПУТНИК», «ДРУЖБА» (кечурув), «ЧАНКА» (кеч 7.40 минутда), Елканлар бўлса... — «КОМСОМОН 30 ИЛЛИГИ» (кечурув), «ЧАНКА» (кеч соат 10 да).  
Бир кун ва бир умр — «ЎЗБЕК КИСТОН 25 ИЛЛИГИ», «МОСКВА» (кечурув), «ТОШКЕНТ СОВЕТНИНГ 50 ИЛЛИГИ» (кеч 6 ва 8 да).  
Қора лола — «ЎЗБЕК КИСТОН», «ВОСТОК» (кечурув), «ТОШКЕНТ СОВЕТНИНГ 50 ИЛЛИГИ» (кеч курун 10 да).

ЕЗГИ БИНОДА  
(Кеч соат 9 ва 10.40 минутда бошланади).  
Фреди, биринчи ур! — «РАКЕТА».

Қора лола — ТЕЛЬМАН номли Елканлар бўлса... — «ФЕСТИВАЛЬ»  
Яшасини севги — «ХИВА»,  
1 июлда

ҚИШКИ БИНОДА

Яшасини севги — САНЪАТ САРОНИ, НАВОНИ номли «СПУТНИК», «ДРУЖБА» (кундуз ва кечурув), «ЧАНКА» (орталаб соат 11, кундуз 2.5 ва кеч 7.40 минутда).  
Елканлар бўлса... — «КОМСОМОН 30 ИЛЛИГИ» (кундуз ва кечурув), «ЧАНКА» (кеч соат 10 да).  
Бир кун ва бир умр — «ЎЗБЕК КИСТОН 25 ИЛЛИГИ», «МОСКВА» (кундуз ва кечурув), «ТОШКЕНТ СОВЕТНИНГ 50 ИЛЛИГИ» (кеч соат 6 ва 8 да).  
Қора лола — «ЎЗБЕК КИСТОН», «ВОСТОК» (кундуз ва кечурув), «ТОШКЕНТ СОВЕТНИНГ 50 ИЛЛИГИ» (кундуз соат 12, 2, 4 ва кеч 10 да).

ЕЗГИ БИНОДА  
(Кеч соат 9 ва 10.40 минутда бошланади)  
Фреди биринчи ур! — «РАКЕТА».

Қора лола — ТЕЛЬМАН номли Елканлар бўлса... — «ФЕСТИВАЛЬ»  
Яшасини севги — «ХИВА»,

**«ЮБИЛЕЙНИЙ» МАРКАЗИЙ СПОРТ ЗАЛИДА**  
10 июндан 2 августгача  
икки бўлимдан иборат  
**«МУЗ УСТИДА ЦИРК»**  
ГАСТРОЛЛАРИ

Қатнашадилар: бутун дунё, Европа ва Олимпия ўйинларининг кумуш медал мунофоти эгаллари Татьяна ЖУК ва Александр ГАРЕЛИН.  
**А. МАГОРОВ** раҳбарлигида «ХОККЕИДА АЙИҚЛАР».  
Билетлар фақат заявқалар йўли билан сотилади.  
Справқалар учун телефонлар № 44-61-54, 44-50-12.

**РАДИО**  
30 ИЮНЬ  
СЕШАНБА  
БИРИНЧИ ПРОГРАММА

18.00 «Узаро текширишдан сўнг» деган репортаж (русча), 18.10 С. Вобоев. «Ҳама» операсидан парчалар. 18.40 Спорт эшитириши (узбекча). 19.20 Фарғона область театллари артистларининг концерт. 20.00 «ЕШЛИК» радиостанциясининг программаси. 21.00 Халқаро маъзуларда суҳбат (узбекча). 21.10 Дала меҳнатчиларини учун концерт. 22.20 Вальслар. 22.40 Янги кинолар. О. Якубов. «Атаман» (узбекча). 23.15 «Дам олин соатда». Концерт. 24.00 Тунги концерт.

**«ГЛАВТАШКЕНТСТРОЙ» ТРАНСПОРТ БОШҚАРМАСИНИНГ № 9 АВТОБАЗАСИГА**  
МА3.503 КРА3-256 автомобилларида ишлаш учун шофёр-дизелчилар, 3, 4, 5 разрядли автослесарлар, анку, мулторчилар, мискарлар, вулқончилар

**КЕРАК**  
Янгаларга ётоқхона берилди.  
Мурожаат учун адрес: Бектемир посёлтаси, Михачёв кўчаси, 2 уй, кадрлар бўлими, 7, 102 автобусларнинг қўйлиқ бекати).

**«ГЛАВТАШКЕНТСТРОЙ» ТРАНСПОРТ БОШҚАРМАСИНИНГ № 9 АВТОБАЗАСИ**  
шофёр-дизелчилар курсига қабул эълон қилади  
Уши муддат — 5 ой. Ҳукумат оинга 32 сўм стипендия билан таъминланадилар. Янгаларга ётоқхона берилди.  
Мурожаат учун адрес: Бектемир посёлтаси Михачёв кўчаси, 2 уй.

**«СПЕЦЭЛЕВАТОРМЕЛЬСТРОЙ» ТРЕСТИНИНГ 5 КУРИЛИШ ПОЕЗДИГА**  
Тошкент шаҳрида ун юм. биначларини куриш учун арматурачилар, гишт теруучилар, сувоқчилар, дурадоглар, бетончилар ва ёрдамчи ишчилар

**КЕРАК**  
Иш характери кўчма бўлгани учун асосий ойлиғи 30 процент кўшимча ҳақ тўланади.  
Мурожаат учун адрес: Тошкент шаҳар, Х. Сулаймонова кўчаси, 41 уй, кадрлар бўлими.

**18 МЕХАНИЗАЦИЯЛАШГАН КОЛОННАГА**  
Шофёрлар, экскаватор машинистларига ёрдамчилар, бульдозерчилар

**КЕРАК**  
Қабуд ийлиганлар дам олин оинда пулсиз темир йўл хизматидан фойдаландилар, ҳамда иш ҳақига 30 процент кўшимча ҳақ олади.

Янгаларга ётоқхона, оилаликларга турар-жой берилди.  
Мурожаат учун адрес: Тошкент шаҳар, Ш. Русталеи кўчаси, 2-тўпик (7, 14 трамвайлар, 18, 58 автобусларнинг «Лесосклад» бекати).

**ТОШКЕНТ 5-ҒИШТ ЗАВОДИ БОШҚАРМАСИ**  
Гражданларга чекланмаган миқдорда

**ҒИШТ СОТАДИ**  
1000 ғиштининг баҳоси — 12 сўм.  
Мурожаат учун адрес: Тошкент шаҳар, Носиров кўчаси, 188 уй (9, 11, 19 автобуслар, 2 трамвайнинг «Ғалаба боғи» бекати).

**«ИЗОТОП» БУТУНИТТИҒОҚ БИРЛАШМАСИНИНГ ТОШКЕНТ РЕСПУБЛИКАЛАРА БОУЛИМИ**  
техник информация ва унинг жорий қилиш бўлимига бошлик, инженер, физик, натта товаршуно

**КЕРАК**  
Меҳнат ҳақи муқофоти.  
Мурожаат учун адрес: Тошкент шаҳар, 100, Ш. Русталеи кўчаси, 45 уй, кадрлар бўлими.

**УЗБЕКСТОН КОМПАТИСИ**  
Марказий Комитети наشريятининг басмаханаси  
Тошкент шаҳри.

**ИНДЕКС 64579**  
НАШР 3040  
P-00766

**\* Боланинг тили ширин**  
**ТЕСКАРИ**  
Тўрт яшар Воҳид ботиннасини кия туриб адашиб кетди. Унг обғининини чап обғига тикиди.  
— Ойи, ойи, — деди у. — қаранг, ўнг қўлим бу ёқда-ку, мен чап қўлимдагисини кийибман.  
— Кучук расмининг. — Думи қани?  
— Думи ҳали сиёҳдонда. — деди у бамай-лихотир.  
Собит ҒОҒУРОВ.

1 Май кўчасидаги «Болалар дўбеси» магазини.  
Е. Одилов расми.

**\* ТЕКИНХҲҮРЛИК, БЕЗОРИЛИК ВА ИЧКИЛИКБОЗЛИККА ШАҒҚАТ ЙҮҚ! ШАҲРИМИЗГА ДОҒ ТУШИРАЁТГАНЛАР**  
**Майда безорилик учун жазоланганлар**  
Абдураимов А. 1944 йилда туғилган. Шаҳар трамвай-троллейбус бошқармасига нарашли 2-троллейбус депозитиди хайдовчилар курси курсанти.  
Маст ҳолида 7-троллейбус маршрутда жанжал кутарганили учун 15 суткага қамалди.  
Одинамов Г. Н. 1937 йилда туғилган. Пассажир ташин тасмотори бирлашмасига нарашли 2-автомобил бинаат шофери. Маст ҳолида 4-автомобил буфетига жанжал қилганили учун 15 суткага ҳужм қилинди.  
Иллада туғилган. Ҳама район олин-оқат савдосига нарашли 33-магалин сотувчиси.  
Исмомлов Ф. 1933 йилда туғилган. «Таштекстильмаш» заводи старший инженери.  
Ҳайдаров Н. 1952 йилда туғилган. Ҳама район олин-оқат савдосига нарашли 33-магалин сотувчиси.

**«ТОШКЕНТ ОҚШОМИ»ДА БОСИЛГАНДАН КЕИИН**  
**ВИГОВОР БЕРИЛДИ**  
Газетамизнинг 12 май сонида босилган рўйхатда хушёрхонага тушганлар қаторида «Ташсельмаш» заводининг ишчиси А. Пучковнинг ҳам номи бор эди.  
Завод маъмуриятининг хабар қилишича, тартибузарининг худди коллектив ўртасида муҳокама қилинган. Унга вивогор берилди.

**АРОҚХҲҮР ВА БЕЗОРИ. МУҲОКАМАДА**  
**АРОҚХҲҮР ИШДАН БҮШАТИЛДИ**  
Хушёрхонага тушганлар қаторида Чкалов номи завод ишчиси Ю. Мухлиннинг ҳам бўлгани газета-мизнинг 14 май сонига хабар қилинган эди.  
Олинган жавобда кўрсатилишича, Мухлиннинг тартибни муттасил равишда бузиб келгани учун шидан бұшатилди.

**ҚАТТИҚ ОҒОҒЛАНТИРИЛДИ**  
Газетамизнинг 13 май сонида темир-бетон шодилари ва конструкторлар заводининг шодили А. Сафин майда безорилиги учун қамалгани кўрсатилган эди.  
Заводдан олинган жавобда кўрсатилишича, Сафиннинг худди коллектив ўртасида муҳокама қилинди. У қаттиқ оғоғлантирилди.

**ҚАТТИҚ ВИГОВОР БЕРИЛДИ**  
Газетанинг 13 май сонида хушёрхонага тушганлар рўйхатда Чкалов номи завод слесери А. Беспалов ҳам бор эди.  
Ароқхўрининг худди завод умумий йиғилишида муҳокама қилиниб, унга қаттиқ вивогор берилди.

**ТАНБЕХ БЕРИЛДИ**  
Газетамизнинг 16 май сонида хушёрхонага тушганлар қаторида 2-автомобил заводининг ишчиси А. Матвиевнинг ҳам бўлгани хабар қилинган эди.  
Завод маъмуриятининг редакцияга жавоб берди. Унда кўрсатилганича, Матвиевнинг худди умумий йиғилишида муҳокама қилиниб, унга вивогор берилгани айтилади.

**МАЙДА БЕЗОРИЛИГИ УЧУН**  
Газетанинг 16 май сонида майда безорилик учун қамалганлар рўйхатига «Ўзглавоветснаб» марказий базасининг ишчиси В. Кузнецов ҳам бўлгани хабар қилинган эди.  
База маъмуриятининг олинган жавобда Кузнецовнинг худди умумий йиғилишида муҳокама қилиниб, унга вивогор берилгани айтилади.